O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

ЧЕГАРАЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ ҲАР ТОМОНЛАМА МУСТАҲКАМ БЎЛИШИ КЕРАК ВА БИЗ БУНИНГ БАРЧА ЧОРАЛАРИНИ КЎРАМИЗ, ИҒВОГАРОНА ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ ТАКРОРЛАНИШИГА АСЛО ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМИЗ.

МУСТАҚИЛЛИК 1991 2000

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 12 AVGUST SHANBA № 92 (26.642)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 август куни Оқсарой қароргоҳида Японияниг «Иточу корпорейшн» компанияси бошқаруви раиси Минору Мурофушини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари сўнгги йилларда Ўзбекистон-Япония муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлар экан, М. Мурофушининг юртимизга ташрифи япон ишбилармонларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши тобора ортаётганидан далолат эканини қайд этди.

"Иточу корпорейшн» кўп томонлама фаолият юритади. Қарийб бир ярим асрлик тарихга эга бу компанияни «Мерубени", «Мицуи", «Мицубиси", «Сумитомо» сингари улкан конгломератларгагина қиёс қилиш мумкин. Яқинда «Иточу корпорейшн» ўзининг Марказий Осиё мамлакатлари билан шериклик алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилган янги доктринасини ишлаб чиқди. Компания раҳбарининг минтақада юксак иқтисодий салоҳияти билан муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистонга келишидан мақсад ана шу режаларни амалга ошириш имкониятларини бевосита ўрганишдан иборат.

Суҳбат чоғида «Иточу корпорейшн» билан ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, ҳамкорликда амалга оширилажак янги қўшма лойиҳалар борасида батафсил фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

МЕҲР МУРУВВАТ УЙИ

Пахтакор тумани марказида «Меҳр-муруват уйи» фойдаланишга топширилди. 5 миллион 700 минг сўмликдан зиёд лойиҳа қийматига эга бўлган 12 хонадонли бу масканда боқувчисини йўқотган, ёлғиз қарияларнинг дам олишлари, даволанишлари учун қулайликлар яратилди. Ҳаммамиз учун улуғ ва азиз байрам арафасида бундай қулайликнинг яратилишидан айниқса ҳозир дам олаётган 16 нафар қария беҳад мамнун.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**

ТУҲФА

Янгийўл китоб фабрикаси жамоасидан шаҳардаги 6-мактаб педагог ва ўқувчилари мамнун. Ўзаро ҳамкорлик бўйича тузилган шартномага мувофиқ фабрика билим ўчоғини дарслик ва адабиётлар ҳамда турли ўқув қуроллари билан таминлаб келмоқда. Ўқув йилининг ўзида шундай мақсадлар учун корхона 30 минг сўм сарфлади. Янги ўқув йили олдидан ҳам корхона саъй-ҳаракати билан катта маблағ ажратилди. Шу пуллар ҳисобидан сотиб олинган дарсликлар сентябрь арафасида ўқувчиларга тарқатилади.

■ **Акбар АЛИЕВ**

ЧЕГАРАДА ВАТАН БОР

Ватан сарҳадидан ёв босиб ўтди. Биз уларни бир гуруҳ деб атаймизми, бир тўда деб атаймизми, ниятлари аён — ёвузлик. Тинч ва осойишта яшаётган кишиларимиз қонини тўкиш, Ватанимиз сокинлигига путур етказиш учун қабиҳ ният билан бостириб кирган газандалар бугун халқимиз нафратига, ғазабига дучор бўлиб турибди. Улар ер юзида фақат ёвузлик қилиш учун яшаётган ва шунга маҳкум бўлган кимсалардир.

Ватанинг бўлмаса, оиланг бўлмаса, фарзандларинг бўлмаса ва халқдан ажралиб қолган бўлсанг сен ўзингни дунёнинг энг иприскқи кимсаси дейишга ҳақлисан, деган ўй келади. Одам қонини тўкишга маҳкум бўлганлар, ўз йўлини йўқотганлар адашганлардир. Улар тириклик бағрида ортиқча одам эканлигини ўзлари ҳам ҳис қилмайдилар. Улар ҳис қилиш туйғусидан мосуводирлар.

Мен бу мақолани шунчаки ёзиш кераклиги учун эмас, балки юрагим тўлиб кетганидан ботинимда бир оғриқ қўзғалганидан ёзаяпман. Очиғи, дилимдан тўкилган нафрат томчиларини тахрирлаб, ёзганларим устидан қайта қалам юргизиш ниятим йўқ. Зеро, юракни ўртаган сўзлар ҳеч бир ортиқча изоҳга муҳтож эмас. Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида содир бўлаётган воқеалар менга сира тинчлик бермаяпти. Фикримча, ҳар бир ўзбекистонликнинг кўнгли алағда. Ҳар ким ўша тоғлардаги жанглар тезлик билан ниҳоя топишини истайди. Бетимсол юртимиз сарҳадлари ёвдан тозаланишни хоҳлайди.

Мен Сариосиё ва Узун туманларидаги ўша тоғ қишлоқларини бир пайтлар кезиб чиққанман. Бу жойлар ниҳоят гўзал, баҳорлари латофатли, беқиёс, ёзлари салқин, кузлари олтин тус, қуёшни меҳмонга чорлайдиган даражада шафақмонанд, аммо қишлари қаҳрли ва қаҳратонли бўлади. Бу ерларда яшайдиган эл ҳам худди тоғ дарахтларидай чайир, ўз сўзида собит турадиган чидамли, иродаси метин кишилар. Улар тошни гуллатади. Тошда гул ундиради. Очиқ кўнгил, меҳмондўст, жайдари ва соддадил одамлардир. Ана шундай гўзал қишлоқ ва гўзал одамлар ҳузурига меҳмон бўлиб эмас, қурол ўқталиб келганларнинг қиёфасини кўз олдингизга келтириб кўринг. Уларда қиёфа борми ўзи? Кўнгилни изтиробли саволлар ўртайди — юртимизга кўз олайтирганлар учун дунёда муқаддас нарса борми? Улар кимлар? Уларни бизнинг юртимизга ким отлантираяпти? Наҳотки улар халқимизнинг ўз озодлигини бериб қўяди, Ватанини осонликча топшириб қўяди, деб ўйлайдилар? Биз ўз юртимизнинг ҳар бир гиёҳи, тоғу-тоши, қир-адирлари, дарёлари, бари-барини ёниб севамиз. Юрагимизда олиб юрамиз. Ер юзида Ватан битта бўлгани каби Ўзбекистон ҳам биттадир. Ўзбекистон ўзимизники. Ёвузлик, вахшийликка йўналтирилган босқинчи иблислар шу нарсани, яъни Ўзбекистон осонликча бериб қўйилмаслигини ҳис қилсинлар. Инсоният тарихида ҳеч қачон босқинчилик, ёвузлик, одамкушандалик абадий тантана қилмаган.

Халқимиз табиатан очиқ кўл, самимий, камтар ва меҳрибон! Дунё-дунё бўлиб ўзбекдай оқибатли, камтар ва камсуқум халқни кўрмаган. Бу халқ дунёларга, инсониятга тинчликлар тилайди. Осойишталикларни сўрайди. Дуога қўл очса тинчлик бўлсин дейди. Бу халқ ҳеч қачон бировга биринчи бўлиб тиғ кўтармайди, қўл кўтармайди, бировнинг ватанига бостириб кирмайди. Агар шундай қилса, у ўзбек эмас, мусулмон эмас. Ва лекин, босқинчиларни, газандаларни, каллакесарларни кечирмайди. Бу халқ ўз ватанига бостириб кирганларга қақшатқич зарба беришга, ер тишлатиб қақшатишга ҳамиша тайёрдир. Ўз ори, номуси, озодлиги, юртининг ободлигини асраб қолиш учун жонини фидо қилишга ҳозирдир. Шу йўлда собитдир.

Азиз ватандош! Азиз елкадош! Оғам, укам, бирадарларим. Бўлиб ўтган февраль воқеалари ҳаммамизнинг кўзимизни очди. Боткент, Янгиобод воқеалари ҳушёр торттирди. Биз янада жипслашдик. Бизга шундай ёруғ кунларни кўп кўргувчилар борлигини ҳис қилдик. Мана энди, Сурхон воҳаси тоғларидаги воқеалар ҳам бизга тиш қайраб, қадамимизни пойлаб, ҳалокат жарига қулатиш ниятида юрган ғаламислар борлигидан огоҳ этди. Муҳтарам Президент қайта-қайта таъкидлаётган огоҳлик, сергаклик, хушёрлик, бедорлик қалб кўзимизни очиб турсин!

Ватанни асраш — оилани асрашдир! Хонадонни асрашдир! Эртанги кунни асрашдир! Ўзбекистонни асрашдир!

Мустақиллик бебаҳо! Мустақиллик неъмат! Аммо, уни асраб қолишнинг ўзи бўлмайди. Уни асраб қолиш қатъиятни талаб қилади.

Чегарларимизда ватан бор. Чегараларимизда миллат бор. Чегараларимизда халқ бор. Террорчилар ҳеч қачон ўз ниятига етолмаган, етолмайди ҳам.

Бу тарихнинг ва келажакнинг ҳукми!

Азим СУЮН

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ҚАРДОШЛАР ҚУР ТАШЛАДИЛАР

Ражаб МАРДОНОВ, «Жумҳурият» газетасининг бош муҳаррири: (Тожикистон)

— Ўзбекларга ҳам, тожикларга ҳам, ер юзидаги барча халқларга тинчлик, омонлик бахтиёрлик ҳамроҳ бўлсин. Биз она-заминимизни, ўз уйимизни тинч ва мустаҳкам, тоза сақлаш учун бир ёқадан бош чиқарайлик. Ўзбек бирадарларимизнинг истиқлолдан сўнгги тараққиётига ҳавас қилгудай. Энг муҳими, Ўзбекистон ҳукумати раҳбарияти Марказий Осиё регионида, қолаверса, бутун ер юзида тинчликни сақлаш учун қатъият билан кураш олиб бормоқда. Ўзбеклар ўз мавқега, ҳурматига эга халқ. Газетангиз саҳифаларида шу сўзларни айтиб турганимдан бахтиёрман. Ўзбек хонадонимизга меҳмон бўлиб келса, бағримизни очиб, қувноқ чеҳра билан кутиб оламиз. Ўзбеклар ҳам худди шундай. Ўзбекистон ҳуррриятининг 9 йиллик тўйи шодиёнаси ҳар бир ўзбекнинг, қолаверса, биз тожик дўстларининг ҳам қувончли кунидир. Дўстингни уйида, қўшнингни уйида тўй бўлса, сенинг ҳам кўнглинг чексиз ёруғликка тўлади. Ниятим Ўзбекистон мустақиллиги абадий бўлсин. Биз Ўзбекистонни бугунгидай тараққий этишда, ўсишда кўришдан мамнунмиз.

Амир МУСТАФОЕВ, «Азарбайжан» газетасининг бош муҳаррири: (Озарбойжон)

— Азиз қардошлар, осмонингиз доим мусаффо бўлсин. Дастурхонингиз тўкин бўлсин. Ҳар бир йил Ўзбекистон учун файзли ва фараҳли келсин. Биз озарбойжонлар ўзбекларни ўз бирадаримиз деб биламиз, ардоқлаймиз, керак бўлса, улар билан яхшиёмон кунида ёнма-ён турамиз. Ҳар томонлама ҳамкорлигимиз бугунги кунда ҳавас қилгудек. Биз учун Ўзбекистонликлар нафақат қардош-қариндош, балки ишончли ҳамкор ҳамдир. Президентингиз олиб бораётган дадил сиёсатни барча озарбойжон халқи, зиёлилари кўриб, билиб турибди. Марказий Осиёдаги кучли ва қудратли, ўз йўлида собит шижоатли қадам ташлаётган юртингизнинг келажаги порлоқлигига ишонаман. Гапимнинг қисқаси, истиқлол қуёши Ўзбекистоннинг бошида мангу порласин. Ўзбеклар чеҳрасидаги ёниқлик, самимият ҳеч қачон сўнмасин. Уруш кўрмайлик, бало-қазо кўрмайлик. Халқларимиз ёнма-ён, бир сафда шоду-ҳуррам ўнибўссин.

■ **Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. Ҳ. ЖЎРАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рисбой Ҳайдарович Жўраев Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ж. F. ЙЎЛДОШЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Жўра Ғаниевич Йўлдошев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 август

ТИНЧЛИК ЙЎЛИ — ХАЛҚ ЙЎЛИ

Илҳом МАМИРОВ — аспирант:

Куч билан, қурол билан курашаётган одам ўз ожизлигини хаспўшлаётган бўлади. Айтадилар-ку, фикр йўқ жойда қўл осмонга кўтарилади, деб. Узун ва Сариосиё туманлари тоғли чегара ҳудудларига суқилиб кириб олган жангарилар ҳам ҳудди шундай одамлардир Қўлига қурол олиб, халқнинг тинчини бузганларни ким дейиш мумкин?

Халқимиз бундай босқинчиларга чексиз нафрат билан қарайди. Қолаверса, улар бизнинг тинчлигимизни кўролмаётган кучларнинг қўғирчоқлари эканини ҳам яхши биламиз. Бундайлардан ҳазар қиламиз.

Саида ШАРАПОВА — илмий ходим:

— Жангарилар қилмишига яраша жазо топади. Бунга ишончим комил. Ҳаёт бизга қайтақайта уқтирмоқдаки, биз янада ҳушёр, янада жипс бўлишимиз, юртимизни янада обод ва фаровон қилиш орқали бундай ҳасадгўйларга жавоб беришимиз керак бўлади. Ватанимизга муҳаббатимизни қурол қилиб ганимлар йўлини тўсайлик.

Алёр ТЎХТАЕВ — абитуриент:

Узун ва Сариосиё туманлари ҳудудида жангарилар пайдо бўлибди, деган хабарни эшитиб, кўнглим ғаш бўлди. Юртимиздаги тинчликка, осойишталикка ҳасад-хусумат билан қаровчилар бор экан-да. Осойишталикка қўл кўтарган одамлар ўзлари нотинчлик топиши турган гап. Улуғ мақсадлар билан ёруг келажакка интилаётган халқимиз ёвуз ниятли жангариларни тийиб қўйишга қодир.

Рустам ҲУСАИНОВ — ишчи:

Халқимиз жуда катта ишонч ва умид билан яшаяпти. Ўзбекистонни буюк қилиш ғояси остида битта мушт бўлиб бирлашган халқмиз. Бу бирликни куч билан тарқатиб бўлмаслигини-да тушунолмаётганлар бор. Ўзбекистоннинг бир қаричига мингта жонимиз бўлса ҳам тикишга тайёрмиз.

ВОҚЕА ЖОЙИДАН ХАБАР

ТЕРРОРЧИЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНАДИ

Мамлакатимизнинг Тожикистон билан чегарадош ҳудудидаги Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли қишлоқларига ўрнашиб олган террорчи гуруҳларга кеча ҳам қақшатқич зарбалар берилди. Ҳарбийларнинг берган маълумотларига қараганда, тез кунларда террорчи гуруҳлар йўқ қилинади.

— Босқинчиларнинг мақсади битта, — дейди улар. — У ҳам бўлса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўпорувчиликни амалга ошириш. Шунингдек, қурол-ярог ва наркотик моддалар олиб ўтиш учун йўллар очишдан иборат бўлган. Маълумотларга қараганда, террорчилар Афғонистондаги қўпорувчилик марказларида пухта тайёргарлик кўришган ва Тожикистон орқали мамлакатимизга ёвуз ният билан бостириб кирмоқчи бўлишган. Терроризм миллат танламайди, дейишади. Бу гуруҳда ҳам турли миллат вакиллари борлиги эҳтимолдан холи эмас. Улар замонавий қуроллар билан етарлича қуролланган. Лекин нима бўлганда ҳам уларни йўқ қиламиз.

— Киштут, Тамархут ва бошқа қишлоқлардаги аҳоли тинч ва хавфсиз жойларга кўчирилди, — дейди Сариосиё тумани ҳокими Қосимжон Холдоров. — Уларга озиқ-овқат ва иссиқ кийим-бошлар етказиб берилмоқда. Тиббий хизмат яхши йўлга қўйилди.

210 та хўжаликнинг 1064 оила аъзоси тинч ҳаёт кечиришмоқда. Бир сўз билан айтганда, улар ҳеч қандай зиён кўришгани йўқ. туманимиздаги корхона, ташкилот, муассаса ва бозорлар бир маромда ишлаяпти. Халқимиз таҳликага тушган эмас.

Тез кунларда босқинчи гуруҳлар йўқ қилинади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Чегара қўшинлари, ички қўшинлар ва Мудофаа вазирлиги бўлинмалари тезкор ҳаракат қилишмоқда. Террорчи гуруҳлар қуршовга олинган.

Аҳоли ўртасида қурбонлар йўқ.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ХАБАРИ

ФИКР АЛМАШДИЛАР

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республикаси кенгашида бўлиб ўтган семинар кенгаш партия ташкилотлари фаолиятининг ҳозирги босқичдаги устувор йўналишлари ҳақидаги масалага бағишланди. Унда шаҳар ва туманлар партия кенгашлари биринчи ва иккинчи котиблари, партиядан сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва шаҳар кенгаши депутатлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими С. Усмонов маъруза қилди.

Музокараларда Қонликўл, Қўнғирот, Қораўзак туманлари партия кенгашлари биринчи котиблари С. Есимбетов, А. Тажетдинов, К. Дўсназаров ва Нукус шаҳар партия кенгашининг иккинчи котиби В. Луценко қатнашдилар. Нотиқлар ХДП дастури, Низомидан келиб чиқиб, давр талаблари асосида ишлаш, туб ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда партия ташкилотлари иштирокини фаоллаштириш, уларнинг меҳнат жамоалари ва умуман, аҳоли ўртасида таъсирини кучайтириш, шунингдек, партиядан сайланган депутатлар фаолиятини рисоладагидек йўлга қўйиш, сиёсий клублар, «Маърифат» марказлари ишларини такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши иккинчи котиби Э. Хошанов шу кунги долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТЕКШИРУВЛАР САМАРАЛИ БЎЛСИН

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида ўртага ташлаган масалалар, жумладан текширувларни такомиллаштириш, улар сонини камайтириш ва назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Хўжаевнинг биринчи ярим йилликда назорат органлари томонидан текширишларни мувофиқлаштириш бўйича бажарилган ишлар якунлари, улар сонини камайтириш, шунингдек хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Назорат қилувчи органлар ўтказаётган текширувларнинг умумий сони қисқарганига қарамай, улар ҳамон кўп экани қайд этилди. Текширишларда кўпинча белгиланган тартибга амал қилинмаётир, айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган маъмурий жавобгарлик чоралари етарлича қўлланилмаяпти. Хўжалик юритувчи субъектларни рухсатсиз текшириш, тадбиркорлик, айниқса кичик ва ўрта бизнес тузилмалари фаолиятига аралашиш давом этмоқда. Шу муносабат билан ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш учун «ишонч телефонлари» имкониятларидан фаол фойдаланиш, бу фактларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш таклиф этилди.

Йиғилиш иштирокчилари Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусеновнинг Республика кенгашининг мазкур минтақадаги ҳудудий комиссияси фаолияти юзасидан ҳисоботини тинглади.

Унда Бухоро вилоятида айрим текширув органлари рухсатсиз текширувлар ўтказаётгани, текширув ўтказиш муддатларига риоя этилмаётгани қайд этилди. Туман ҳокимлари ҳудудий комиссияларнинг раислари бўлишларига қарамай, текширувларни мувофиқлаштириш ишларини амалда ўз ҳолига ташлаб қўйишган, уларни тартибга солиш ва ташкил қилиш, тадбиркорлик тузилмалари ривожи учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалаларига эътибор қаратишмаётир. Масалан, сўнгги бир ярим йил ичида «Бухоропарранда» акциядорлик жамиятида турли назорат органлари томонидан ўтказилган 26 текширишнинг учдан бир қисми ноқонуний бўлган. Бу далиллар Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларида бир неча бор келтириб ўтилди.

Меҳнат вазири Ш.Иброҳимов Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Президентнинг ушбу масала юзасидан 1998 йил 19 ноябрдаги Фармонининг ижроси тўғрисида ҳисобот берди.

Маълум бўлишича, Меҳнат вазирлигининг Тошкент шаҳри, Самарқанд, Хоразм, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги бўлинмалари ҳисобот даврида бир қанча рухсатсиз текширувларни ўтказган, буларнинг кўпчилиги қонунчиликка мувофиқ аттестациядан ўтказилмаган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилган. Меҳнат вазирлигининг Фарғона вилоятидаги ходимлари тегишли ҳужжатларсиз уч мингга яқин текширув ўтказган. Мазкур тадбирлар самарадорлиги умуман паст — ҳар иккинчи-учинчи корхонадагина камчиликлар аниқланган, холос.

Республика кенгаши Бухоро вилояти бўйича ҳудудий комиссиянинг иши қониқарсиз эканлигини қайд этиб, йўл қўйилган камчиликлар учун вилоят ҳокими ўринбосари — назорат инспекцияси раҳбари эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани, шунингдек, бошқа мансабдор шахслар жавобгарликка тортилганини маълумот учун қабул қилди. Республика кенгаши ҳудудий комиссияларига ўз йиғилишларида ярим йиллик якунларни кўриб чиқиш ва ўз фаолиятларини тубдан яхшилашга доир аниқ чора-тадбирлар кўриш таклиф этилди. Вазирликлар, идоралар, назорат органлари раҳбарлари хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини рухсатсиз текшириш ва тафтиш қилиш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилди.

Йиғилишда назорат органлари фаолиятини ташкил қилишга доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди, муҳокама қилинган ҳар бир масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

■ (ЎзА)

СОҒЛОМ АВЛОД

ЎҚУВ ЖАДВАЛИНИ ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАРГА МОСЛАШТИРИШ КЕРАК

Мактаб ва ўрта билим юртларида миллионлаб болалар ва ўсмирлар ўқийдилар. Асосан шулар мустақил давлатимиз келажаги заҳираси ҳисобланади. Кузатишлар шуни кўрсатяптики, ўсувчан организмнинг кризис даврига биологик ва ижтимоий ўзгаришлар кучли таъсир кўрсатади.

Бизнинг билим юртимиз ўқувчиларини оладиган бўлсак, уларнинг энг кўп толиқишлари, организмларининг зўриқиши ва таранглашуви янги ўқув шароитларига мослашув ва сессия даврларига тўғри келади. Ўқитувчи ва ота-оналар айнан шу даврларда болалар ва ўсмирларнинг мослашув имкониятларини ошириш, саломатлиги ва меҳнатга лаёқатлилигини сақлаш чораларини кўришлари керак. Шахсий кузатишларим шуни кўрсатяптики, ҳар бир гуруҳда 30 тадан ўсмирлар бўлса, уларнинг асосий қисми камқон, жисмонан яхши ривожланмаган, сурункали касаллиги бор. Улар тез толиқиш, тез-тез шамоллаш (1 йилда 2-3 марта), милк касалликлари, хотиранинг пасайиши ва соч тўкилишидан шикоят қиладилар. Ачинарлиси шуки, ўқувчиларимизнинг асосий қисмини 15-19 ёшдаги қиз болалар ташкил қилади. Маълумки, болаларнинг жисмонан яхши ривожланганлиги жуда кўп сабабларга, шунингдек, ижтимоий томондан қониқарли таъминланганига боғлиқ. Болалар ва ўсмирларнинг ўсиш ва ривожланишини таъминловчи энг муҳим омил тўғри овқатланиш ҳисобланади. Сўраш ва кузатиш орқали аниқланишича, болалар сабзавот-меваларни, сут ва сут маҳсулотларини, гўшт ва парранда гўштини жуда кам истеъмол қиларканлар. Бу уларнинг жисмоний ривожланишининг пасайишига, модда алмашинувининг бузилишига, иммунитетнинг бўшашувига ва касалликларга чалинишнинг кўпайишига олиб келади.

Ўқитиш муҳити, сутка давомида вақтни оқилона тақсимламаганлик, режалаштирилмаган овқатланиш, оила ва ўқув юртида психологик муҳитнинг ёмонлиги ўқувчиларнинг ўқув йили давомида толиқишига, ўзлаштиришнинг пасайишига, улар томонидан бош оғриғи, холсизлик, умумий ланжлик каби шикоятларнинг кўпайишига ва натижада ўқувчиларнинг илм олиш фаолиятларини пасайишига сабаб бўлмоқда.

Стресс ҳолат таъсирини камайтириш учун ўқув жадвалларини гигиеник талаблар асосида тузиш, яъни, дарс соатларини 6-8 соатдан оширмаслик, ўзлаштириш қийин бўлган фанларни болалар марказий нерв системаси фаолияти юқори бўлган 2-3-соатларга қўйиш тавсия этилади. Ўқувчиларнинг дам олишларини ҳам тўғри ташкил қилиш керак. Бунинг учун тунги уйқунинг етарли бўлишига, фаол дам олишни ташкил этишга, спорт турларига жалб этишга эътибор бериш зарур. Шубҳасиз, оқилона овқатланиш тўғрисидаги билимларни ота-оналар ва ўқувчилар орасида тарғибот қилиш ҳам муҳимдир.

Болалар бизнинг келажагимиз. Мустақил мамлакатимиз равнақи учун жисмонан бақувват ва руҳан соғлом, зукко фарзандларни тарбиялаш биз, педагог-врачларнинг олдимизга қўйган асосий вазифамиздан бири десак муболаға бўлмайди.

■ Арофат НИҒМАНОВА,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббиёт билим юрти педагог-врачи

КОМПЬЮТЕРЛАШГАН КУТУБХОНА

Уч кундирки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги дастури доирасида Республика халқ таълими ходимлари йиғилиши ва кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, ДТС мониторинги бўлимлари бошлиқлари, Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтлари ректорлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирлари қатнашмоқда. Улар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси: уч йиллик фаолият таҳлили ва навбатдаги вазифалар тўғрисида; республика умумий ўрта таълим мактабларида давлат таълим стандартларини жорий этишнинг аҳволи ҳамда бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича; ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш имкониятларини кенгайтириш ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади ва фаолларнинг таклифларини ишлаб чиқувчи ижодий гуруҳ тузилади.

Йиғин эзгу иш билан — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 110-мактабда ташкил этилган замонавий кутубхонанинг тақдимот маросими билан бошланди. Компьютер техникасининг энг сўнгги намуналари билан жиҳозланган ушбу зиё маскани «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси ҳомийлигида бир ярим миллион сўмлик янги ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар, яқинда нашрдан чиққан лотин алифбосидаги китоблар билан таъминланди.

Кутубхона иши тўлиқ компьютерлаштирилган. Бу ерда ким қайси китобни олган, қайси синф ўқувчилари кўп китоб ўқияпти ёки китобни фойдаланилаётганига неча кун бўлди ва шу каби саволларнинг барчасига компьютер орқали жавоб олиш мумкин.

Ундан ташқари кутубхона «Internet» тармоғига ҳам уланган бўлиб, жаҳоннинг исталган нуқтасидаги кутубхоналар билан боғланиш, улардаги мавжуд барча китоблар билан танишиш, кутубхоначилик бўйича энг охирги хабарларни олиб туриш имкониятига эга. Кутубхона ходимлари ҳозирча Москва ва Польша кутубхоналари билан алоқа ўрнатишди.

Тақдимот маросимида ёшларда билимга чанқоқликни ошириш, билим олиш йўлларини ўргатиш ўқувчиларнинг мустақил изланишларида катта самара бериши таъкидланди, республика миқёсида мана шундай замонавий кутубхоналар ташкил этишга чақирилди.

Суратда: *1.Миробод туманидаги 110-мактабда ташкил этилган замонавий кутубхона билан танишув. 2. Анжуман қатнашчилари.*

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

397,3 МИЛЛИОН ЙЎЛОВЧИ ТАШИЛДИ

Тошкент шаҳри аҳолисига айни кезда жамоат транспортида хизмат кўрсатиш қандай даражада? Биз ана шу мақсадда «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасида бўлдик.

— Хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида ютуқлар ишимизнинг бош омили бўлмоқда — дейди уюшма раиси биринчи ўринбосари Шомурод Муҳаммаджонов. Шу боисдан ўтган олти ой давомида 397,3 миллион йўловчи ташилиб, аҳолига хизмат кўрсатишни 6,7 миллион сўмга етказдик.

Айни кезда уюшма бўйича биргина 128 маршрутида 1183 автобус 2240 километрлик масофани кунига кўп маротабалаб босиб ўтмоқда. Пойтахт аҳолисига ва ташриф этган меҳмонларга тинимсиз хизмат қилмоқда.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОЧИҚ ГАПЛАР

РЕЖА БАЖАРИЛДИ, АММО...

бундан ғаллакорлар етарли манфаат топдими?

Дўстлик тумани ғаллакорлари бу йил 13850 гектар суғориладиган майдонда деҳқончилик қилдилар ва 45000 тоннадан кўпроқ дон ишлаб чиқардилар. Шундан 33884 тоннаси давлатга сотилди ёки қабул пунктларига шартномада кўзда тутилганидан 6400 тонна кўп дон топширилди. Ҳосилдорлик ўрта ҳисобда 33,8 центнерга тўғри келди.

Туман ҳокимлигидан бизга берилган маълумотга қараганда, ўрим-йиғим мавсуми 40 кун давом этди. 20 та «Кейс» комбайни ишлатилди. Мавсумда уларнинг ҳар қайсиси ўртача 700 гектардан майдоннинг ғалласини ўриб ва янчиб берди ёхуд ҳар бир комбайннинг иш унуми 2200 тоннага тенг бўлди.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидай. Ислоҳотлар бўлаётир. Бироқ масаланинг моҳиятига теранроқ разм солинса, ғаллачиликда ислоҳотларни амалга оширишда айрим ўзибўларчилик, пала-партишликлар ҳукм сураётганини, ғаллакорнинг даромадини шамолга совуриш ҳолатлари мавжудлигини сезиш қийин эмас.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, туман бўйича бу йил 760 тонна уруғлик дон тайёрлаш режалаштирилган эди. Режа қарийб 500 фоизга бажарилди ва 3700 тоннадан ортиқроқ уруғлик ғамлаб қўйилди. Ҳақиқатда ҳам шунча дон бугунги кунда «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамиятининг уруғлик дон цехида сақланмоқда.

Яхшику, дейсизми? Бердисини айтгунча шошмагамизнингиз маъқулми?! Чунки, кимларнингдир келишувига асосан 3700 тонна уруғлик ғалла товар ғалла сифатида расмийлаштирилганига нима дейсиз? Шунча донни не машаққатлар эвазига етиштирган ғаллакорга товар ғалла баҳосида пул тўланганигачи?

«Нега шундай бўлди?», деган саволимизга «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи Шароф Очилов «Туман раҳбарлари товар ғалла ҳисобига макка дони топширишга ваъда беришди» деган ҳеч бир қолипга сиғмайдиган тўмтоқ жавобни айтишди.

— Ростдан ҳам шундай ниятимиз бор, — дейди туман ҳокими Сайфиддин Исмоилов. — 1000 гектар майдондаги макка донини корхонага топшириб, уруғлик ғаллани қайтиб олмоқчимиз.

Ажаб! Бу икки раҳбарнинг амалдаги тартиб-қоидаларга хилоф равишда бундай иш тутишга, нима мажбур этдийкин? Аслида бундай хатти-ҳаракат оқибатида ғаллакор деҳқон ҳамёни жиддий зарар кўрмаяптими? Ахир 1 кило товар ғалла 21-24 сўм баҳолансаю, 1 кило уруғлик ғалла 75-80 сўмдан кам бўлмаса... Қолаверса, бир йилга 2600 тонна уруғлик ғаллага эҳтиёжманд туман учун 3700 тонна уруғлик жамғаришга не ҳожат? «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ўз омборхонасида турган уруғлик ғаллани ҳокимдан сўрамасдан пуллаб юборсачи? Шундай бўлмаслигига ким кафил, дейсиз? Чунки, энди уруғлик дон туманники эмас, давлатники.

Ҳақли савол пайдо бўлади: тумандаги уруғлик ғалла етиштирувчи «Оқолтин» ижара ширкатлар бирлашмаси раҳбарлари (раиси Юсуф Нурлибоев) бундай қадам ташлашдан қандай манфаатни кўзлаганлар? Ёки саволни бошқачароқ қўядиган бўлсак, уларни бундай Афандининг ишини қилишга нима ёки ким мажбур этдийкин? Ғаллакор деҳқоннинг не машаққатлар эвазига, ҳузур-ҳаловатдан кечиб етиштирган уруғлик ғалласини ҳужжатларда уруғлик деб кўрсатмасдан арзон-гаровга топшириб юборавериш учун уларга ким ҳуқуқ берган?

Яна бир фикр. Юқорида туманда ғалла ўрим-йиғим мавсуми 40 кунга чўзилганини айтиб ўтдик. Хўш, бор ғаллани 40 кунда эмас, 25 ёки 30 кунда ўриб-янчиб олишнинг иложи йўқмиди?

Бор эди. Бунинг учун вақт бой берилди. Энг ёмони, фермерларнинг ёки ижарачининг ўрилмай қолган ердаги ғалласи туман ёки вилоят ғалла топшириш режаси бажармагунча ўрилмасдан қолиб кетди. Бундан аввало деҳқон, қолаверса давлат иқтисодий зарар кўрди. Қолган ғаллани ўт босди, пишиб, ҳатто ўтиб кетди, бир қисми ерга тўкилди, бир қисми талонторож бўлди. Натижада аввал гектаридан 40-45 центнердан дон олинган бўлса, энди зўрға 15-20 центнердан ҳосил чиқди. Бундай нобудгарчиликнинг олдини олиш, ҳар бир «Кейс»нинг кунлик иш унумини ошириш учун фермер ёки ижарачининг даласига кирган комбайн шу далани тўлиқ ўриб-янчиб чиқиб кетса яхши эмасмиди? Шунда иш самарадорлиги ошиб, ўрим-йиғим тезлашиши табиийку, комбайнлар ва комбайнчилар ишини оқилона ташкил этиш керак эди, холос. Айтайлик, комбайнчи бирон бир фермер ёки ижарачининг ғалласини ўраяпти. Шу фермер ёки ижарачи давлат буюртмасини бажардими, бўлди, комбайн дарҳол тўхтатилиб, бошқа далага ўтказилди. Оқибатда бир жойдан кўчгунча анча-мунча ахир. Буни ўрим-йиғим бошлангандан сўнг 50 кун ўтган дамларда ҳам туман бўйича 270 гектар майдоннинг ғалласи ўрилмай турганлиги, оқибатда бу майдонларни ўт босиб кетганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

— Хўжалигимиз бўйича 12 гектар майдондаги ғалла ўрилмаган, — дейди «Дўстлик» ижара ширкатлар бирлашмаси раҳбари Ғофур Қорабоев. — Жатка тополмаяпмиз. Чунки, қалин ўт босган, комбайн ўролмайди. Шундан 8 гектари фермерларга, 4 гектари эса ширкатлар бирлашмасига қарашли.

Хўжалик юритиш шаклларини ўзгартириш жараёнлари ички иқтисодий механизмларни ўзгартирмасдан, такомиллаштирмасдан пала-партиш, номига амалга оширилмоқда. Хўжалик юритишнинг шакли ўзгаргану, лекин мазмуни ўша-ўша. Ижарачи ёки фермер ўз меҳнати қанчалик тўғри ҳисоб-китоб қилинаётганини яхши билмайди. Бу ҳақда хўжалик раҳбарларининг тасаввури ҳаминқадар. Ҳатто, у ўзи бош бўлган жамоада қанча ғалла ишлаб чиқарилганини, шундан қанчаси давлатга сотилганини ҳам айтиб беролмади. Бундай шароитда ислоҳотлар тақдири, иқтисодиётни эркинлаштириш тўғрисида гапириш ортиқчадай туюлади.

